

12-1-2020

MECHANISMS OF ENHANCING DEVELOPMENT AID EFFECTIVENESS

Z. Asatullaeva

University of World Economy and Diplomacy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Asatullaeva, Z. (2020) "MECHANISMS OF ENHANCING DEVELOPMENT AID EFFECTIVENESS,"
International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 6 , Article 6.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss6/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

З.А.Асатуллаева

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

ТАШҚИ ЁРДАМНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: Хорижий мамлакатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ажратилаётган ташқи ёрдамнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишидаги ўрни ҳали ҳам илмий асосланмаганлиги сабабли мавзуга бағишланган илмий изланишларнинг ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бу билан бир қаторда, жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ташқи ёрдам самарадорлигини оширишга бағишланган юқори даражадаги форумлар мунтазам ташкил этилиб келинмоқда. Мазкур мақолада БМТ ва ИХТТ ташкилотлари томонидан ташқи ёрдамнинг самарадорлигини оширишга оид қабул қилинган Декларация ва Харакатлар режаларининг асосий тамойиллари ёритилган. Ташқи ёрдам ривожланаётган мамлакат миллий тараққиёт дастурининг устувор йўналишларига татбиқ этилиши ва «Жануб-Жануб» форматидаги ҳамкорликни йўлга қўйиши унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан биридир.

Таянч сўзлар: ташқи ёрдам, техник кўмак, иқтисодий ривожланиш, ривожланаётган мамлакатлар

Z.A.Asatullaeva

University of World Economy and Diplomacy

MECHANISMS OF ENHANCING DEVELOPMENT AID EFFECTIVENESS

Abstract: The impact of the foreign assistance on economic growth and development of the recipient country remains unclear at both theoretical and empirical levels. While the number of studies devoted to the mechanisms of enhancing the effectiveness of foreign aid is growing progressively, international community is organizing high-level forums aimed at coordinating actions of donor countries, international financial institutions and recipient countries. The paper reviews main principles of enhancing aid effectiveness highlighted in the Declarations and Action Agenda's adopted by member countries of United Nations and Organization of Economic Cooperation and Development. The use of national development strategies of developing countries in aid allocation as well as introduction of new forms of aid provision as South-South cooperation may lead to better developmental outcomes.

Key words: *foreign aid, development aid, technical assistance, economic growth, developing countries*

КИРИШ

1950-йилларда Маршал режасининг мувофақияти натижасида амалиётга кенг татбиқ этила бошлаган ташқи кўмакнинг бугунги кунда ҳажми ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда мазкур маблағларнинг белгиланган натижаларга эришишда яъни уларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган юзлаб назарий ва эмпирик тадқиқотлар олиб борилган [1]. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) Ривожланишга кўмаклашиш қўмитаси томонидан келтирилган маълумотларга кўра, 2019 йилда барча донор мамлакатлар томонидан ташқи ёрдам сифатида ажратилган молиявий маблағларнинг умумий ҳажми 152.8

млрд АҚШ долларига тенг бўлган. Бу эса донор мамлакатлар умумий ЯМД нинг 0.30 фоизини ташкил қилади [2].

Ривожланаётган мамлакатларга донор мамлакатлар ва халқаро молиявий институтлар томонидан ажратилаётган мазкур маблағларнинг самарадорлиги масалалари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ташқи ёрдамнинг самарадорлиги масаласи жаҳон ҳамжамияти ва илмий изланишларнинг диққат марказида. Хусусан, соҳадаги илмий изланишлар исботи сифатида шуни фойда этиш мумкинки, «*Scopus*» халқаро илмий базасидан (*aid OR "development assistance" OR "development finance" OR oda OR "foreign assistance"*) *AND ALL (effectiveness OR "growth nexus"*) калит сўзлари ёрдамидаги сўров илмий журналларда 2019 йилга қадар чоп этилган жами 1109 илмий мақолаларни акс эттиради. Бироқ, изланишларнинг натижалари умумий ҳулосани келтириб чиқармади ва ташқи ёрдамнинг самарадорлиги ҳали ҳам фанда исботланмаган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида халқаро молиявий институтларнинг имтиёзли грант ва техник кўмакдан фойдаланилади. Хусусан, 2018-йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинган ташқи ёрдамнинг ҳажми 557.93 миллион АҚШ долларини ташкил қилган [3]. Мамлакатимизда молиявий маблағларни жалб қилиш билан бир қаторда молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишни таъминлаш йўлида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 сентябрь санасидаги ПҚ 3857-сон “*Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги*” Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрь санасидаги ПҚ 3439-сон “*Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги*” Қарори шулар жумласидандир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ташқи ёрдамнинг самарадорлиги тушунчаси кенг маънода жалб қилинган молиявий маблағларни белгилаб олинган ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги натижаларини англатади ва у одатда ЯИМнинг ўсиши, Инсон таракқиёти кўрсаткичларининг юксалиши ва инвестиция оқимининг ортиши билан ўлчанади. Иқтисодчилар П. Бискай, Т.Рейнолдс ва К.Андерсон томонидан қайд этилганидек ташқи ёрдамнинг самарадорлиги икки турга бўлинади [4]:

- *экстенсив самарадорлик* белгиланган ривожланиш мақсадлари учун кўпроқ ташқи ёрдамни жалб қилиш;

- *интенсив самарадорлик* белгиланган мақсадларга эришишда мавжуд ташқи ёрдамдан унумли фойдаланиш.

Қайд этиш лозимки, турли назарий ва эмпирик таҳлил ўтказган иқтисодчилар ташқи ёрдамнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланишига таъсири борасида ягона хулосага келмадилар. Ташқи ёрдамнинг таъсирига бағишланган тадқиқотлар уларнинг натижаларига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин[5]. Биринчи гуруҳ изланишлар натижаси ташқи ёрдам ривожланаётган мамлакатининг иқтисодий ривожланиши, қашшоқлик даражасини пасайтириш, инвестиция оқимининг ортиришга ижобий таъсир кўрсатишини исботлаб берган. Мазкур гуруҳ вакиллари бўлган тадқиқотчилар Р.Раджан, А.Субраманиан ва Х.Хансен, Ф.Тарп каби иқтисодчилар ташқи ёрдам ривожланаётган мамлакатларга “*Қашшоқлик тузоғи*” дан чиқиш учун имкон яратишини таъкидлаган[6][7].

Ташқи ёрдамнинг ривожланаётган мамлакатлар макроиқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсирини инкор этган иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари А.Алесина, Д.Доллар, Д.Браутигам, С.Кнак ва П.Коллиер эса молиявий маблағлар кўзланган мақсадларга эришмаслигини таъкидлайдилар. Бу ҳолатнинг асосий сабаби сифатида тадқиқотчилар ташқи ёрдамнинг тақсимоотидаги хатоликларни, хусусан, донор мамлакатлар ташқи кўмакнинг ўз стратегик мақсадларига асосланган ҳолда ажратилишларини кўрсатадилар. Натижада ажратилган маблағлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи жабҳа ва дастурларга йўналтирилмайди [8][9][10].

Учинчи гуруҳ тадқиқотчилари ташқи ёрдамнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётига бирдек таъсир кўрсатмаслиги, ушбу маблағларнинг самарадорлиги эса у ёки бу омилларга боғлиқ эканини қайд этганлар. Хусусан, иқтисодчи С.Свенсон ташқи ёрдамнинг самарадорлиги қабул қилувчи мамлакатнинг институционал ривожланиш даражасига боғлиқ эканлигини исботлаган бўлса, тадқиқотчилар С.Бурнсайд ва Д.Доллар томонидан олиб борилган изланиш натижалари ташқи ёрдам ривожланаётган мамлакатларда қулай фискал, монетар ва савдо сиёсати юритилган ҳолдагина белгиланган мақсадларга эришишда хизмат қилишини қайд этганлар [11][12].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ташқи ёрдамнинг самарадорлиги масалалари илмий тадқиқотлар билан ҳамоҳангликда жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътибор марказида. Жумладан, бу борада икки ташкилот БМТ ва ИХТТ нинг Ривожланишга кўмаклашиш қўмитаси томонидан халқаро форумлар мунтазам равишда ташкил этилиб келинмоқда.

Глобал тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш буйича универсал тузилма сифатида тан олинган БМТ фаолияти доирасидан келиб чиққан ҳолда ривожланишни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Ташкилот томонидан ажратиладиган молиявий маблағлар ривожланаётган мамлакатларга икки шаклда етказилади. Булар биринчиси, БМТининг ихтисослашган муассаса, фонд ва дастурлари орқали ажратиладиган беғараз кўмак бўлса, иккинчиси, БМТ таркибига


кирувчи молиявий ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари шаклидаги молия манбаларидир.

1960 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти таркибида ташкил қилинган Ривожланиш кўмаклашиш кўмитаси ташқи кўмак, иқтисодий ривожланиш ва камбағаллик муаммосига оид масалаларига бағишланган форумдир. Дунёнинг энг йирик 30 нафар донор мамлакатларини бирлаштирувчи мазкур кўмита ташқи ёрдам самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, мазкур маблағлар самарадорлигини таъминловчи тамойилларни белгилаш ва улар асосида донор мамлакатлар фаолиятининг мунтазам мониторингини таъминлаш билан шуғулланади.

Мақолада ташқи ёрдам соҳасининг концептуал-норматив асосини ташкил этувчи барча ҳужжатлар тизимли таҳлили келтирилган. Хусусан, юқорида қайд этилган икки ташкилот томонидан ташкил этилган халқаро форумлар ва уларнинг якунига кўра қабул қилинган бир қатор декларация ва ҳаракатлар режаларнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ташқи кўмак масалаларига оид глобал миқёсда ўтказилган илк форум сифатида – 2002 йилда БМТ раҳнамолиги остида *Мексиканинг Монтеррей шахрида ўтказилган Тараққиётни молиялаштириш конференциясини* қайд этиш мумкин. Мазкур анжуманда, ташқи кўмак билан бир қаторда ташқи савдони ривожлантириш, туғридан туғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи қарздорлик муаммолари ва валюта ва молия тизимини мувофиқлаштириш масалалари муҳокама этилди. Конференция якунларига кўра, *Монтеррей консенсуси* қабул қилган бўлиб, мазкур ҳужжат ривожланишни молиялаштириш ва қашшоқлик даражасини пасайтиришга оид глобал ҳамкорликнинг янги йўналишига асос солди. Халқаро анжуман давомида ривожланаётган мамлакатларда қашшоқлик даражасини пасайтиришга қаратилган асосий чоратадбир сифатида Ривожланиш мақсадида ажратилаётган ташқи ёрдамнинг ҳажмини оширилиши лозимлиги қайд этилди. Ривожланган мамлакатларининг маъсулиятларини аниқ белгилаб берган мазкур ҳужжатда донор мамлакатлар ўз зиммаларига 2010-йилга қадар ташқи кўмак ҳажмини ЯМД 0,5 фоизи, 2015 йилга қадар эса 0,7 фоизига ошириш вазифасини олдилар. Статистик маълумотлар асосида қайд этиш мумкинки, ташқи кўмак ҳажми мазкур декларация қабул қилингач орта бошлаган (*расмга қаранг*) [13].




1-расм. Донор мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларга ажратилган ташқи ёрдам ҳажми (1960-2018 йиллар, АҚШ миллион доллари) [14]

Монтеррей консенсусида шунингдек, ташқи ёрдамни қабул қилувчи мамлакатлар пухта иқтисодий сиёсат ва мутасадди институтларни яратиш орқали молиявий маблағларнинг унумдорлиги ва самарадорлигини таъминлашга эришиши мумкинлиги қайд этилди [15].

БМТ раҳнамолигида ўтказилган иккинчи халқаро форум 2008-йилда Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган бўлиб, унда асосий эътибор Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг ривожлантиришни молиялаштириш масалаларига салбий таъсирини олдини олишга қаратилган. Мазкур форумда эришилган асосий келишувлар БМТ Бош ассамблеясининг 63/239-сонли резолюцияси билан қабул қилинган *Доха Декларациясида* акс этирилган. Донор мамлакатлари томонидан ажратилаётган ташқи ёрдам ҳажмидаги пасайиш трендидан хавотирланган форум иштирокчилари, ўрта ва қуйи даромадли мамлакатлар учун техник кўмак ривожлантиришни молиялаштиришнинг муҳим манбаси эканлиги қайд этилди [16]. Доха Декларациясида шунингдек, ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган ташқи ёрдам ва техник кўмакнинг янги усуллари Жануб-Жануб форматидаги ҳамкорлик ва учтомонлама ҳамкорлик шакллари тарғиб этилган.

Жануб-Жануб ва учтомонлама ҳамкорликнинг моҳиятини ёритишда, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги шундай мисол кўрсатади. Масалан, А ривожланаётган мамлакат муайян бир соҳада тажрибага эга бўлиб, у Б ривожланаётган мамлакатда мазкур соҳани ривожлантиришга оид тавсия ва кўмак бериши мумкин. Бу ҳолат *Жануб-Жануб* ҳамкорлиги деб юритилади. Бироқ, ташқи кўмак кўрсатишда А ривожланаётган мамлакат имкониятлари чегараланган

бўлиши мумкин(етарлича маблағ мавжуд эмаслиги). Мазкур вазиятда С ривожланган мамлакат Жануб-Жануб форматидаги ҳамкорликни технологик ва молиявий томондан қўллаб қувватлаши мумкин. Бу ҳолат эса Шимол-Жануб-Жануб ёки *учтомонлама ҳамкорлик* деб юритилади [17]. Одатда, А ривожланаётган мамлакат эндигини ташқи кўмак ажратувчи донор мамлакатлар сафига қўшилган, ва бир вақтнинг ўзида у ҳам ривожланган мамлакатлардан ташқи ёрдам қабул қилаётган яна ўзи ҳам рецепиент мамлакат бўлади. Бунда, ривожланган мамлакат ёки халқаро молиявий ташкилот А мамлакатга ташқи ёрдам соҳасида донор мамлакатга айланишида амалий ёрдам кўрсатади.



2-расм. Уч томонлама ҳамкорлик механизми [18]

Жануб-Жануб ҳамкорлиги бу ривожланаётган мамлакатлар учун сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик ва техникавий жабҳаларда кенг қамровли ҳамкорлик платформасидир [19]. Ҳамкорликнинг мазкур шаклида илгари сурилган мақсадларга қуйидагилар киради [20],[21]:

- ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тажриба алмашиш, техник ва моддий ресурсларни жамлаш ва шерикчиликда фойдаланиш ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш орқали мазкур мамлакатларнинг ривожланиш соҳасида мустақиллигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;
- ривожланаётган мамлакатларнинг имкониятларини мужассамлаш орқали халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

- ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда янада фаол иштирокини таъминлаш.

БМТ раҳномолигида ташкил этилган учинчи халқаро форум натижаси ўлароқ, 2015-йилда **Аддис-Абеба Ҳаракатлар режаси** деб номланган ҳужжат 193 мамлакат вакиллари томонидан имзоланган. Ушбу ҳужжатда ташқи ёрдамнинг тақсимоли масалаларига алоҳида урғу берилган бўлиб, донор мамлакатларга ташқи ёрдамнинг асосий қисми энг кам ривожланган мамлакатларга ажратиш тавсия қилинади. Ташқи ёрдамнинг самарадорлигини максималлаштириш мақсадида кўпроқ дастурий молиялаштириш механизмидан фойдаланиш ҳамда молиялаштириш дастурининг олдиндан эълон қилиш тавсиялари келтирилган. Шунингдек, ҳужжатда алоҳида эътибор 2030-йилга қадар эришилиши лозим бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларига қаратилган. Қайд этилишича, ушбу мақсадларга эришишда халқаро молиявий институтлар, жумладан минтақавий тараққиёт банкларининг молиявий салоҳияти йирик аҳамиятга эга. Шу ҳолатни инобатга олган ҳолда, Аддис-Абеба Ҳаракатлар режасида ташқи ёрдам ажратиш давомида БРМ да қайд этилган устувор йўналишларга урғу бериш тавсия қилинади [22].

Ривожланаётган мамлакатларга ажратилаётган ташқи ёрдам масалаларига оид масалаларни муҳокама қилиш мақсадида 1960 йилда асос солинган ИХТТининг Ривожланишга кўмаклашиги қўмитаси томонидан ҳам мунтазам равишда юқори даражадаги форумлар ташкил этилади. Хусусан, 2003-йилда Римда ўтказилган илк форум яқунларига кўра қабул қилинган **Рим Декларацияси**да ташқи ёрдамнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Рим декларациясига кўра, ташқи ёрдам қабул қилувчи мамлакат томонидан белгилаб олинган ривожланишнинг устувор йўналишларига ажратилиши ва мамлакатнинг ривожланиш стратегияси билан мувофиқлаштирилишига ундайди [23],[24].

2005-йилда қабул қилинган ташқи ёрдамнинг самарадорлигига оид **Париж декларацияси** донор мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларнинг шерикчилик тамойили асосида ҳамкорликдаги ҳаракатлари заруриятини тасдиқловчи ҳужжатдир. Мазкур декларацияда ташқи ёрдам самарадорлигининг асосий беш тамойили белгилаб олинган. Булар қуйидагилар:

- *масъулиятни зимма олиш (ownership)* – ривожланаётган мамлакат тараққиёт стратегиясини белгилаб олиш ва институтларни такомиллаштириш маъсулиятини ўз зиммасига олади;

- *уйғунлик (alignment)* – донор мамлакатлар томонидан олиб борилаётган чоратадбирларни қабул қилувчи мамлакатнинг тараққиёт стратегияси билан мувофиқлаштиради ва ривожланаётган мамлакатнинг маҳаллий таъминот занжиридан фойдаланади;

- *ўзаро мувофиқлик (harmonization)* – донор мамлакатлар ва халқаро молиявий институтлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради;

- *натижага йўналтирилган бошқарув (managing for results)* – муайян натижага йўналтирилган бошқарув усулига ўтади ва мунтазам мониторинг таъминланади;

- *ўзаро ҳисобдорлик (mutual accountability)* – ташқи ёрдам самарадорлигини таъминлашда донор ва рецепиент мамлакат тенг маъсулдир.

Қайд этиш лозимки, мувофиқлаштириш тамойилини амалга ошириш учун ташқи ёрдам донорлари маълумот алмашадилар ва бу орқали ташқи ёрдам соҳасидаги такрорланиш ҳолатларини олдини оладилар. Ташқи ёрдамни етказиб беришда маҳаллий таъминот занжиридан фойдаланиш эса транзакцион харажатларни камайтириш имконини беради [25][26].

ИХТТ томонидан учинчи бор ташкил этилган ташқи ёрдам самарадорлигига бағишланган форумда ҳам бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Қайд этиш лозимки, 2008-йилда бўлиб ўтган мазкур форум яқунларига кўра тасдиқланган ***Аккра харакатлар режасида*** ташқи ёрдамнинг самарадорлигини таъминлашда донор ва рецепиент мамлакатлар хатти-харакатларининг шаффофлиги масаласи катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган [27]. Аккра харакатлар режасида келтирилган ташқи ёрдам самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи тавсияларга қуйидагиларни келтириш мумкин.

- ✓ Донор мамлакатлар томонидан ташқи ёрдам ажратишга оид истикболли режаларни 3-4 йил олдин муддатда ишлаб чиқиш орқали ташқи ёрдам соҳасидаги тебранишларни олдини олиш;
- ✓ Ташқи ёрдам самарадорлигини таъминлаш масаласига ривожланаётган мамлакатнинг парламент аъзолари ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш;
- ✓ Донор мамлакатлари ажратилаётган молиявий маблағларни муайян соҳа ёки йўналишга бириктириш тажрибасида воз кечишларини таъминлаш (Tied aid) [28].

Ривожланиш мақсадида ажратиладиган ташқи ёрдамнинг самарадорлиги масалаларига бағишланган навбатдаги анжуман 2011-йилда Корея Республикасининг Пусан шаҳрида бўлиб ўтди. Қайд этилганидек, ушбу форум ташқи ёрдам самарадорлигига бағишланган тўртинчи ва сўнгги юқори даражадаги форумдир. Пусан форумидан сўнг соҳадаги барча анжуманлар вазирлар даражасида ўтказилади. ***Пусан декларацияси*** мамлакатларни донор ва рецепиент категорияларига ажратишдан воз кечган ҳолда тараққиёт борасидаги ҳамкорлик ёндашувини татбиқ этишни таклиф қилади. Форум натижасижа яратилган “*Самарадор ривожланишни таъминлаш мақсадида глобал ҳамкорлик*” платформасидан кўзланган асосий мақсад ҳам ташқи ёрдам самарадорлигини оширишдир. Мазкур платформа сиёсий музокаралар, мониторинг ва тажриба алмашинувини таъминловчи ягона форум бўлиб, у тараққиётни молиялаштириш

соҳасидаги иштирокчиларни (халқаро ва минтақавий молиявий институтлар, донор ва реципиент мамлакатлар ва ННТ лар) бирлаштиради ва ташқи ёрдам ажратишнинг янги, янада самарадор шакллари ишлаб чиқишни тавсия этади [29].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, ривожлантириш мақсадида ажратиладиган ташқи ёрдам ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим молия манбасидир. Хусусан, дунё мамлакатлари томонидан 2030-йилга қадар эришилиши лозим бўлган Барқарор Ривожланиш Мақсадлари ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи кўмакка бўлган эҳтиёжи ортишига олиб келмоқда. Белгилаб олинган мақсадларнинг сўнггиси БРМ таъминлаш йўлида глобал ҳамкорлик деб номланиши ҳам ташқи кўмакнинг аҳамиятини акс эттиради. Ўрта ва қуйи даромадли мамлакатлар учун БРМ эришишда ташқи кўмак ҳажмининг ортиши билан бир қаторда қабул қилинаётган маблағларнинг самарадорлигини таъминлашни ҳам талаб қилади.

Соҳадаги кўплаб илмий тадқиқотлар ташқи кўмакнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланишига оид умумий ҳулосага олиб келмаган. Бироқ, дунё ҳамжамияти томонидан 2000-йиллардан эътиборан мунтазам равишда олиб борилаётган юқори даражадаги форумлар натижасида ташқи ёрдамнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган амалий тавсияларни ишлаб чиқилган. Ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи кўмакнинг самарадорлигини ошириш механизмлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

- Ривожланаётган мамлакатлар томонидан ўрта муддатли миллий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва ташқи кўмак маблағларни мазкур стратегияга асосланган ҳолда мақсадли ва устувор йўналишларга жалб қилиш;
- Ташқи ёрдам кўрсатишнинг нисбатан янги шакли бўлган Жануб-Жануб форматидаги ҳамкорлик реципиент мамлакатга жалб қилинаётган маблағлар ҳажмини кенгайтириш ва ривожланган мамлакат тажрибасига асосланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни имкониятини яратади.

Мунтазам равишда олиб борилаётган форумлари натижасида хорижий мамлакатларнинг ташқи ёрдам агентликлари ва халқаро молиявий институтлар томонидан ажратилаётган молиявий маблағларнинг самарадорлиги борасида сезиларли ютуқларга эришилмади. Бу ҳолатнинг асосий омили сифатида эса қабул қилинган декларация ва ҳаракатлар режаларида қайд этилган амалий таклиф ва тавсиялар мажбурий характерга эга эмаслигини кўрсатиш мумкин. Шу боис, улар ташқи ёрдам соҳасидаги бўлмаган мазкур тавсиялар донор ва реципиент мамлакатларга молиявий маблағларни ҳажмини ортириш ва улардан самарали

фойдаланиш имконини бермади. Қайд этиш лозим, ташқи ёрдам соҳасининг ҳуқуқий-норматив базасини ташкил этувчи декларация ва ҳаракатлар режалари жаҳон ҳўжалигида содир бўлаётган ўзгаришлар таъсирида мунтазам равишда тўлдирилиб ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. Doucouliagos H., Paldam M. The aid effectiveness literature: The sad results of 40 years of research. *Journal of economic surveys* 23, 2009. – P.433-461
2. <https://www.oecd.org/dac/financing-sustainable-development/development-finance-data/ODA-2019-detailed-summary.pdf>
3. <https://stats.oecd.org/qwids/>
4. Biscaye P.E., Reynolds T.W., Anderson C. L. Relative effectiveness of bilateral and multilateral aid on development outcomes. *Review of Development Economics*, 21(4), 2017 - P 1425–1447. DOI:10.1111/rode.1230
5. Asongu S. Reinventing foreign aid for inclusive and sustainable development: Kuznets, Piketty and the great policy reversal. *Journal of Economic Surveys*, 30. 2016 -P 736-755.
6. Hansen H., Tarp F. 'Aid and growth regression', *Journal of Development Economics*, 64: 2001 –P.547-70.
7. Rajan R. G., Subramanian A. Aid and growth: What does the cross-country evidence really show? *Review of Economics and Statistics*, 90. 2008. -P 643-665.
8. Alesina A., and D. Dollar. 'Who gives foreign aid to whom and why?', *Journal of Economic Growth*, 5: 2000 -P 33-63.
9. Bräutigam D. A., Knack S. Foreign aid, institutions, and governance in sub-Saharan Africa. *Economic Development and Cultural Change*. 52: 2004. –P 255-85.
10. Collier P., and Dollar D. Aid allocation and poverty reduction. *European Economic Review*. 46: 2002. –P 1475-500.
11. Svensson J. Aid, growth and democracy. *Economics and Politics*. 11:1999. –P 275-97.
12. Burnside C., Dollar D. Aid, policies and growth. *American Economic review*. 90 – 2000 – P.847-868
13. Mavlanov I.R. Diplomatiya sodeystviya mezhdunarodnomu razvitiyu // *Vestnik MGIMO*. №6 2011.
14. OECD. Aid (ODA) disbursements to countries and regions. <https://stats.oecd.org/Index.aspx?ThemeTreeId=3>
15. Sherstnev M.A. Deklaratsiya tsysyacheletiya i novyy etap poiska istochnikov finansirovaniya razvitiya: retrospektivnyy vzglyad na evolyutsiyu dokrizisnykh idey // *Vestnik mezhdunarodnykh organizatsiy: obrazovaniye, nauka, novaya ekonomika*. №2 2013.

16. Pomazan A.S. Mezhdunarodno-pravovoye regulirovaniye pomoshchi razvivayushchimsya stranam v sisteme mezhdunarodnykh ekonomicheskikh otnosheniy // Pravo. Zhurnal Vysshey shkoly ekonomiki. №3 2015.
17. Pankaj A. K. Revisiting foreign aid theories. International studies. 42:2005. -P 103-121.
18. Trinidad, D. "South-south cooperation in Southeast Asia and the role of Japan." VRF Series 489. 2014: 1-89.
19. Doucouliagos H. Paldam M. The aid effectiveness literature: The sad results of 40 years of research. Journal of economic surveys. 23:2009. -P 433-461.
20. https://www.mofa.go.jp/policy/oda/white/2011/pdfs/09_oda_wp_2011.pdf
21. <https://www.unsouthsouth.org/about/about-sstc/>
22. Minigulova I.R., Konsolidatsiya mirovogo soobshchestva dlya bor'by s bednost'yu 11. Instituta prava Bashkirskogo gosudarstvennogo universiteta, 1, 2018. p.95.
23. Sherstnev M.A. Deklaratsiya tsysyacheletiya i novyy etap poiska istochnikov finansirovaniya razvitiya: retrospektivnyy vzglyad na evolyutsiyu dokrizisnykh idey // Vestnik mezhdunarodnykh organizatsiy: obrazovaniye, nauka, novaya ekonomika. №2. 2013.
24. <https://www.bmz.de/en/ministry/principles/parisagenda/index.html#:~:text=The%20first%20visible%20success%20was,to%20step%20up%20donor%20harmonisation.>
25. De Renzio, P., Booth, D., Rogerson, A., & Curran, Z. Incentives for harmonisation and alignment in aid agencies. <https://search.oecd.org/dev/34373869.pdf>
26. Degtarev D. A. Mezhdunarodno-pravovoye regulirovaniye voprosov okazaniya inostrannoy pomoshchi. Vestnik Rossiyskogo universiteta druzhby narodov. Seriya: Yuridicheskiye nauki, (2), 2013. 303-314.
27. Brown S., Morton B. Reforming aid and development cooperation: Accra, Doha and beyond //Policy Brief, Ottawa: North-South Institute. – 2008.
28. Yakubovskaya N.A., Razvitie v mezhdunarodnoy povestke dnya: istoriya voprosa. Naukovyy visnyk Mizhнародnoho humanitarnoho universytetu. Seriya: Yurysprudentsiya, (11 (2)) 2014.pp.156-159.